

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12.Tib.01.07 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

КЕНЖАЕВ ЛАЗИЗЖОН ТОХИРОВИЧ

ИЗОЛЯЦИЯЛАНГАН ЁПИҚ БОШ МИЯ ЖАРОҲАТИ БИЛАН
ОҒРИГАН БЕМОРЛАРНИ КОМПЛЕКС ДАВОЛАШДА ТЎҚИМА
КАЛЛИКРЕИНИНИНГ РОЛИ

14.00.37 – Анестезиология ва реаниматология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Кенжаев Лазизжон Тохирович

Изоляцияланган ёпиқ бош мия жароҳати
билан оғриган беморларни комплекс
даволашда тўқима калликреинининг роли..... 3

Кенжаев Лазизжон Тохирович

Роль тканевого калликреина в комплексном
лечении больных с изолированной
закрытой черепно-мозговой травмой..... 29

Kenjaev Lazizjon Tokhirovich

The role of tissue kallikrein in the complex
treatment of patients with isolated closed brain injury..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 61

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12.Tib.01.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

КЕНЖАЕВ ЛАЗИЗЖОН ТОХИРОВИЧ

ИЗОЛЯЦИЯЛАНГАН ЁПИҚ БОШ МИЯ ЖАРОҲАТИ БИЛАН
ОҒРИГАН БЕМОРЛАРНИ КОМПЛЕКС ДАВОЛАШДА ТЎҚИМА
КАЛЛИКРЕИНИНИНГ РОЛИ

14.00.37 – Анестезиология ва реаниматология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2024.2.PhD/Tib4756 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент Давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tashmeduni.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ибрагимов Нematжон Комилжонович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Шарипова Висолат Хамзаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ҳайдаров Қамбарали Имомалиевич
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.06/2025.27.12.Tib.01.07 рақамли Илмий кенгашининг 2026 йил «___» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй; Тел: (+99878) 150–78–25; факс: (+99878) 150–78–28; e-mail: info@tashmeduni.uz, Тошкент давлат тиббиёт университети).

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел: (+99878)150–78–25).

Диссертация автореферати 2026 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2026 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ў.С. Исмаилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.А. Ирназаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Қ.Ж. Матмуротов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раис ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ёпиқ бош мия жароҳатланиши (ЁБМЖ) мия тузилмаси ва фаолиятларни кескин ўзгариши билан миянинг бош суяги ичидаги ҳолатини тез ўзгартиришга олиб келадиган ташқи механик куч таъсирида юзага келадиган мия дисфункцияси билан тавсифланган клиник ҳолатдир. Бир қатор муаллифларнинг фикрича, «...бош мия шикастланиши айниқса, меҳнатга лаёқатли ва ёшларда юқори ўлим ва ногиронлик билан тавсифланиши соғлиқни сақлаш тизимидаги энг ўткир муаммолардан биридир...»¹. Ёпиқ бош мия жароҳатланишининг оғир турида ўлим ҳолати юқори бўлиб, танланмаган популяциялар бўйича тадқиқотларда 30-60%га етади. Урбанизация ва йўл-транспорт ҳодисаларининг кўпайиши туфайли ёпиқ бош мия жароҳатланиши ҳолатлари ҳар йили тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. Бугунги кунда мия шикастланиши хавфини башорати, ташхисоти ва даволаш мавжуд лекин, оптимал терапияни тўлиқ ечимини топилмаган. Юқоридагиларни инобатга олган тартибда ёпиқ бош мия жароҳатини турли даражасига комплекс даволашдаги стандарт терапия ва тўқима калликреинини қўллаш орқали беморларнинг ҳаёт сифати, даволаш тактикасини яхшилаш замонавий реанимациянинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Жаҳонда ёпиқ бош мия жароҳатини турли даражасига комплекс даволашдаги стандарт терапия ва тўқима калликреинини қўллаш орқали беморлар умумий аҳволи оғирлик улуши ва ўлимни башоратлаш шкалалар кесимида динамикада солиштириш, бош мия шикастланишининг ўткир даврида жабрланганларнинг қон зардобидаги яллиғланишга аганист ва антоганист интерлейкинларга таъсир самарасини, гемостаз ва гомеостаз тизими параметрларига таъсирини, мия ички ва перфузион босим кўрсаткичларининг динамикаси ҳамда мия шикастланиши ўткир даврида беморларнинг неврологик ҳолатига таъсирини Glasgow шкаласи асосида баҳолаш ва реанимацияда даволаш кунини оптималлаштиришга қаратилган тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббиёт соҳасини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли соматик касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан

¹ Никифоров М.В., Королев А.А. Клинико-эпидемиологический анализ черепно-мозговой травмы и роль нутритивной поддержки у больных с длительно сохраняющимися нарушениями сознания // Медико-биологические и социально-психологические проблемы безопасности в чрезвычайных ситуациях. 2020. № 2 DOI 10.25016/2541-7487-2020-0-2-32-43.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ҳолда изоляцияланган ёпиқ бош мия жароҳати билан хасталанган беморларни комплекс даволашда тўқима калликреинининг ўрнини такомиллаштириш борасида тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига принципиал янги механизмларни жорий этиш ва соғлиқни сақлаш тизимини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика бўйича ишлар самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021-йил 25-майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлашнинг комплекс ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганганлик даражаси. Ўзбекистонда ушбу муаммони ҳал қилиш бўйича қатор илмий тадқиқотлар: мия ҳимоясини кучайтирилган оптималлаштириш ишлари (А.С.Акмалов, 2006), ЁБМЖ билан оғриган беморларда краниоцеребрал гипотермия+назофаренгеал совутишни мия қон оқимиға, БМИБ ва мия перфузион босимиға таъсири (В.Э.Аваков, 2015), Мия ишемиясида терапевтик гипотермия ва бошқариладиган нормотермия (И.А. Шайхова, 2015), оғир изоляцияланган БМЖ бўлган беморларда интенсив терапияда нафас олишни қўллаб-қувватлашни оптималлаштириш (А.Л. Россталная, 2021), БМЖларининг эпидемиологик жиҳатлари (Д.М.Собиров, 2019), оғир БМЖни жарроҳлик йўли билан даволаниши (К.Э.Махкамов, 2018), мия асос тузилмаларининг шикастланиши билан кечадиган оғир БМЖ билан оғриган беморларда нейромедиаторли терапияси (Д.М.Сабилов, 2016) ва БМЖларидаги интракраниал гипертензияга гиперосмоляр эритмалар самарадорлигини қиёсий баҳолаш (Т. Н.Муротов, 2021) амалга оширилди. Шунингдек бош миянинг турли жароҳатларида мия фаолятини баҳолашга қаратилган қатор тадқиқотлар амалга оширилмоқда (В.Е.Аваков, 2023; Ж.М.Сабилов, 2025; В.Х. Шарипова, 2025; Ш.Э. Атахонов, 2019, 2025; Содикова, 2024; Н.К.Ибрагимов, 2022; 2025), бироқ, изоляцияланган ёпиқ бош мия жароҳати билан хасталанган беморларни комплекс даволашда тўқима калликреинининг ўрни такомиллаштирилмаган.

МДХ миқйёсида БМЖ иккинчи даражали омилларининг қон томир тромбоцитлар гемостазини фаоллаштиришдаги роли (Г.А.Бояринов, 2016),

БМЖ катехоламинлар ўрни (Э.А.Лебедева, 2018), БМЖнинг клиник ва эпидемиологик таҳлили (М.В.Никифоров, 2020), БМЖдан кейинги орттирилган бош суяги нуқсонларининг эпидемиологик маълумотлари (В.В.Ступак, 2019) борасида изланишлар олиб боришди.

Дунёда БМЖнинг клиник, патогенетик ривожланиши ва даволаш курси бўйича мия шиши ва интракраниал гипертензияда ККС регулятори ва калликреин ишлаб чиқарувчиси каллидиногеназа яллиғланишга қарши, антиапоптотик, ангиогенез ва нейрогенез таъсирини кўрсатади (Zhang J, Juexian C, 2018) ва Хитойда инсултни даволаш учун (Han L., Li J., 2015) тасдиқланган. In vivo ва in vitro изланишларда каллидиногеназа неврологик функцияни сезиларли даражада яхшилайти (Ci-Qia Chen, Mao D-Y. 2020), инфаркт ҳажмини камайтиради ва нисбатан яллиғланиш воситачиларини бостиради (Wei Z., Lyu Y., 2018). Фармакологик маълумотлар каллидиногеназанинг коллатерал қон айланишини, мия қон оқимини ва перфузиясини яхшилашини исботлади (Han L, Li J, 2015). Каллидиногеназа яллиғланишга қарши цитокинлар (ИЛ-6, ИЛ-1 ва ТНФа), хемокин, адезгезион молекулалари, комплемент оқсиллари ифодасини камайтиради ва ИЛ-10нинг параллел ўсиши нейропротектив таъсирга эга (Wan F, J. Yang., 2017). Кинин ва В₂ қон томир эндотелиясининг энг кучли фаоллаштирувчиси бўлиб, эндотелиал ҳужайраларга таъсир қилиб, силлиқ мушак ичига кўплаб сигнализация молекулаларини чиқаришни индукциялайди, тромбоцитлар агрегациясини ингибициялайди ва фибринолизни (Alhenc G.F., Bouby 2011) рағбатлантириши аниқланди.

Ёпиқ бош мия жароҳатлари ривожланишининг патогенетик омилларини, клиник ва неврологик хусусиятларини, касалликнинг клиник шакллари, оғирлик даражасини ва даволашни ўрганиш жаҳонда долзарб бўлиб қолмоқда. Юқоридагилар билан боғлиқ ҳолда, мия перфузияси ва БМИБни ЁБМЖ билан оғриган беморларда стандарт терапия вариантлари қўллаш орқали мия шиши комплекс терапиясининг самарадорлигини солиштириш, леталлик даражасини камайтириш, неврологик ҳолатини яхшилаш ва оптимал даволаш чораларини ишлаб чиқиш муаммонинг долзарблигини тақоза қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат тиббиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01990007377 «Анестезия, интенсив терапия ва реанимацияда гомеостаз ва эндотоксемия ташхисотида замонавий технологияларнинг самарадорлиги» (2018-2022) доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади ёпиқ бош мия жароҳати билан хасталанган беморларни комплекс даволашда тўқима калликреинини қўллаш орқали даволаш натижаларини оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ёпиқ бош мия жароҳатини турли даражасига комплекс даволашдаги тўқима калликреинини қўллаш орқали беморлар умумий аҳволи оғирлик улуши ва ўлим прогнозини шкалалар (APACHE ва SAPS II) кесимида динамикада солиштириш;

бош мия шикастланишининг ўткир даврида жабрланганларнинг қон зардобидаги яллиғланишга аганист ва антоганист интерлейкинларга (ИЛ-1 β, ИЛ-6, С-реактив оқсил ва ИЛ-10) стандарт терапия ва тўқима калликреинининг таъсир самарасини баҳолаш;

изоляцияланган ёпиқ бош мия жароҳати билан оғриган беморларда комплекс даво фонидида тўқима калликреиннинг гемостаз ва гомеостаз тизими параметрларига таъсирини таҳлил қилиш;

каллидиногеназани қўллаган ҳолда ёпиқ бош мия жароҳати билан оғриган беморларни комплекс даволашда мия ички ва перфузион босим кўрсаткичларининг динамикасини кузатиш;

мия шикастланиши ўткир даврида стандарт терапия заминидида тўқима калликреинининг беморлар неврологик ҳолатига таъсирини Glasgow шкаласи асосида баҳолаш ва реанимацияда даволаш кунини оптималлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2021-2024 йиллар давомида Тошкент давлат тиббиёт университети кўп тарқмоқли шифохонасининг нейрохирургия ҳамда 1 ва 2-сонли жарроҳлик жонлантириш бўлимларида изоляцияланган ёпиқ бош мия жароҳатлари билан хасталанган 18 ёшдан 82 ёшгача 80 нафар беморлар олинган бўлиб, назорат гуруҳига стандарт даволаш амалга оширилган 40 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида изоляцияланган ёпиқ бош мия жароҳати билан хасталанган беморларнинг очик клиник синови қабул қилинганидан кейин стандарт терапия ва каллидиногеназанинг эс-ҳуш бузилиши (Глазго шкаласи бўйича 4-12 балл), бош миянинг МСКТ текшируви, коагулограмма, миянинг гемодинамик ва яллиғланиш индикаторлар таъсир натижаларини баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари: изоляцияланган ёпиқ бош мия жароҳати билан оғриган беморларни комплекс даволашда тўқима калликреинининг ўрнини баҳолашда клиник, биокимёвий, инструментал ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

изоляцияланган ёпиқ бош мия жароҳатининг турли даражалари ўткир даврида тизимли яллиғланиш жавоб синдромидаги прояллиғланиш (ИЛ-1 β, ИЛ-6 ва СРО) цитокинларини камайтириш ва яллиғланишга антоганист (ИЛ-10) медиаторини ошириши каллидиногеназанинг яллиғланишга қарши, нейрокимёвий ва иммуностимулятор хусусиятини ошириш самараси исботланган;

изоляцияланган ёпиқ бош мия жароҳати беморларида стандарт терапия таркибидаги антикоагулянтлар ва тўқима калликреини ҳаётий кўрсаткичлар барқарорлашгандан 3-4 кундан кейин қўллаш тромбоцитлар агрегацияни ҳамда гиперкоагуляцияни (фибриноген ва Д-димер регрессияси) бартараф этиш орқали тромбоэмболик асоратларни юзага келишини камайтиришдаги ўрни исботланган;

изоляцияланган ёпиқ бош мия жароҳати билан хасталанган беморларнинг миядаги гемодинамик кўрсаткичлари Калген стандарт терапия таркибидаги гиперосмоляр эритмалар билан бош мия ички босимини яққол

тушириши ва церебрал перфузион босимни мос равишда яхшилаши мия ишемик соҳасидаги микроциркуляциянинг жадаллашуви заминида иккиламчи мия шикастланишидаги юзага келадиган эксайтотоксиклик, апоптоз, оксидловчи стресс жараёнларини камайтиришга қаратилган даволаш тартиби ишлаб чиқилган;

изоляцияланган ёпиқ бош мия жароҳати беморларини даволашда каллидиногеназани қўллаш орқали оғирлик ва ўлим даражаси АРАСНЕ ва SAPS II шкалалари, жонлантириш бўлимида қолиш муддати кўрсаткичларининг пасайиш даражаси ҳамда Глазго шкаласи бўйича хушнинг тикланиши ўртасида тўғридан-тўғри корреляцион боғлиқлигини баҳолашда бош мия жароҳатини патогенетик жиҳатлари исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

изоляцияланган ёпиқ бош мия жароҳати билан хасталанган беморлар мия ички босимини ноинвазив аниқлаш методикаси ишлаб чиқилган;

турли хилдаги изоляцияланган ёпиқ бош мия жароҳати билан оғриган касалларда неврологик ҳолат, оғирлик ва ўлим кўрсаткичини баҳолаш шкаласи ишлаб чиқилган;

изоляцияланган ёпиқ бош мия жароҳати билан хасталанган беморлар стандарт терапия дастури ишлаб чиқилган;

изоляцияланган ёпиқ бош мия жароҳати билан хасталанган беморларни даволаш стандарт терапиясининг дастури беморларнинг ўлим ҳолатини камайтиришга қаратилган даволаш тактикаси танланган;

изоляцияланган оғир ёпиқ бош мия жароҳатларида тўқима калликреинининг юборилиш йўли, вақти, оптимал миқдорларини қўллаш кетма-кетлиги баҳолаш тартиби танланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, биокимёвий, инструментал ва статистик тадқиқот усуллари асосида изоляцияланган ёпиқ бош мия жароҳати билан оғриган беморларни комплекс даволашда тўқима калликреини ролинининг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти изоляцияланган ёпиқ бош мия жароҳатлари билан хасталанган беморларда оптимал терапиянинг энг самарали усулларини ишлаб чиқиш, паталогик жараёнларни блоклаш, мия шишини пасайтриш орқали перфузияни яхшилаш, неврологик ҳолатини ижобийлаштириш ва умумий аҳволини яхшилашда каллидиногеназани стандарт терапияга жорий қилиш билан назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мия шикастланиши билан хасталанган беморларда стандарт терапиянинг дифференциал вариантларини қўллаган ҳолда даволаш натижаларини оптималлаштириш, интракраниал босимнинг меъёрий, ўрта ва оғир турларини мия учинчи қоринчасининг М-

эхопульсацияси билан аниқлаш орқали интракраниал босимни ноинвазив баҳолаш, шунингдек, мия перфузияси, гемостаз, мия босими ва неврологик ҳолатни қайта яхшиланиши стандарт терапия+калген билан оптимал даволашда такомиллаштириш имконини яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Изоляцияланган ёпик бош мия жароҳати билан оғриган беморларни комплекс даволашда тўқима калликреиннинг ролини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар:

биринчи илмий янглилик: изоляцияланган ёпик бош мия жароҳатининг турли даражалари ўткир даврида тизимли яллиғланиш жавоб синдромидаги прояллиғланиш (ИЛ-1 β, ИЛ-6 ва СРО) цитокинларини камайтириши ва яллиғланишга антоганист (ИЛ-10) медиаторини ошириши каллидиногеназанинг яллиғланишга қарши, нейрокимёвий ва иммуностимулятор самараси исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент давлат тиббиёт университетининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 21 сентябрдаги 09-23/123-т-сон билан тасдиқланган «Ёпик бош мия жароҳатланишининг интенсив терапиясида тўқима калликреинининг самарадорлиги» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали томонидан 2024 йил 05 апрелдаги 41/1-сон, Сирдарё вилояти Гулистон тумани тиббиёт бирлашмасининг 2024 йил 05 апрелдаги 4049-9-124-ТБ/2024-сон ҳамда Тошкент давлат тиббиёт университети кўп тармоқли шифохонасининг 2024 йил 29 апрелдаги 77-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 17 декабрдаги 31/12-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* изоляцияланган ёпик бош мия жароҳатининг турли даражалари ўткир даврида тизимли яллиғланиш жавоб синдромидаги прояллиғланиш (ИЛ-1 β, ИЛ-6 ва СРО) цитокинлар микдорини камайтириш ва яллиғланишга антоганист (ИЛ-10) медиаторини ошириш натижасида каллидиногеназанинг яллиғланишга қарши, нейрокимёвий ва иммуностимулятор қўллаш самарадорлиги натижасида даволаш тактикасини танлаш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* изоляцияланган ёпик бош мия жароҳатининг турли даражаларида ўткир даврида тизимли яллиғланиш ҳолатини даволаш учун беморларнинг шифохонада ётиш муддати 13 кундан 9 кунгача қисқартириб, бир кунлик даволаниш қиймати каллидиногеназани стандарт терапия билан қўллаш нейрояллиғланиш негизидаги цитокинлар ҳужумини яъни гиперпродукцияси блоклаш тасири беморларни интенсив реанимацияда қолишини (4 кун) қисқартириш, бир кунлик реанимацияда стационар даволаниш нархи 912000 сўмга, 1-гуруҳдаги умумий харажатлар, 12220800 ± 364800 сўм, 2-гуруҳдаги умумий харажатлар 8755200 ± 273600 сўм, ўртача тежалган маблағ, 3465200 сўм, бюджет маблағларини 138608000 сўм иқтисод қилиш имконини берган;

иккинчи илмий янглилик: изоляцияланган ёпик бош мия жароҳати беморларида стандарт терапия таркибидаги антикоагулянтлар ва тўқима калликреини ҳаётий кўрсаткичлар барқарорлашгандан 3-4 кундан кейин

қўллаш тромбоцитлар агрегацияни ҳамда гиперкоагуляцияни (фибриноген ва Д-димер регрессияси) бартараф этиш орқали тромбоэмболик асоратлар хавфини камайтириши тартиби асосланганлиги бўйича таклифлар Тошкент давлат тиббиёт университетининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 21 сентябрдаги 09-23/123-т-сон билан тасдиқланган «Ёпиқ бош мия жароҳатланишининг интенсив терапиясида тўқима калликреинининг самарадорлиги» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали томонидан 2024 йил 05 апрелдаги 41/1-сон, Сирдарё вилояти Гулистон тумани тиббиёт бирлашмасининг 2024 йил 05 апрелдаги 4049-9-124-ТБ/2024-сон ҳамда Тошкент давлат тиббиёт университети кўп тармоқли шифохонасининг 2024 йил 29 апрелдаги 77-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 17 декабрдаги 31/12-сонли ҳулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* изоляцияланган ёпиқ бош мия жароҳати беморларида стандарт терапия таркибидаги антикоагулянтлар ва тўқима калликреини ҳаётий кўрсаткичлар барқарорлашгандан даволашнинг 3-4 кундан кейин қўллаш тромбоцитлар агрегацияни ҳамда гиперкоагуляцияни (фибриноген ва Д-димер регрессияси) бартараф этиш орқали тромбоэмболик асоратлар хавфини камайтириш, мия жароҳатларидан кейинги беморларда асосан қон гемореологияси давомли бузилиши (ДИКС синдроми 1-фазаси - қон қуюқлашишини ва тромбоцитлар агрегациясини камайтириш) ортидаги салбий оқибатлар (мезентериал тромбоз, ТЕЛА, миокард инфаркти, ишемик инсулт, артери-веноз тромбоз) қолиши, антикоагулянт терапия ва тўқима калликреини тромбоэмболик асоратлар хавфини камайтириш, ногиронликни олдини олиш орқали ижтимоий ҳаёт сифатини позитивлаштириш натижасида беморларнинг ҳаёт сифати яхшилаш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* Калгенни қўллаш мия шикастланишларидаги гиперкоагуляцион ҳолатларни ингибициялаш мезанизми билан беморларни жарроҳлик жонлантириш бўлимида терапия олиш кунини қисқартириш, 1-гуруҳнинг жонлантириш бўлимида қолиши ўртача $13,4 \pm 0,44$ ва 2-гуруҳда $9,6 \pm 0,32$ кунни, калген тасирида беморлар реанимацияда 4 кунга кам даволанганлиги, бир кунлик озик-овқат ва дори-дармонлар учун ўртача 1000000 сўм сарф-харажат, стандарт терапия гуруҳидаги умумий харажатлар, 13400000 ± 400000 сўм, каллидиногеназа гуруҳидаги умумий харажатлар $9\,600\,000 \pm 300\,000$ сўмни, ўртача тежалган маблағ эса 3800000 ± 100000 сўм иқтисод қилиш имконини берган;

учинчи илмий янглилик: изоляцияланган ёпиқ бош мия жароҳати билан хасталанган беморларни миёдаги гемодинамик кўрсаткичлари Калген стандарт терапия таркибидаги гиперосмоляр эритмалар билан бош мия ички босимини яққол тушириши ва церебрал перфузион босимни мос равишда яхшилаши мия ишемик соҳасидаги микросиркуляциянинг жадаллашуви заминида иккиламчи мия шикастланиш (апоптоз, оксидловчи стресс, эксайтотоксиклик) жараёнларини ижобий даволаш тартиби асосланганлиги бўйича таклифлар Тошкент давлат тиббиёт университетининг

мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 21 сентябрдаги 09-23/123-т-сон билан тасдиқланган «Ёпиқ бош мия жароҳатланишининг интенсив терапиясида тўқима калликреинининг самарадорлиги» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали томонидан 2024 йил 05 апрелдаги 41/1-сон, Сирдарё вилояти Гулистон тумани тиббиёт бирлашмасининг 2024 йил 05 апрелдаги 4049-9-124-ТБ/2024-сон ҳамда Тошкент давлат тиббиёт университети кўп тармоқли шифохонасининг 2024 йил 29 апрелдаги 77-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 17 декабрдаги 31/12-сонли ҳулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* ёпиқ бош мия жароҳатларидан кейинги дастлабки кунларда мия шиши хавфи ортиб бориш ва дислокацион синдромдаги ёмон ҳолатлар (узунчоқ миани тикилиб қолиши, нафас ва юрак-қон-томир фаолиятини издан чиқиши, тутканок хуружи) кузатилиши, стандарт терапия таркибидаги гиперосмоляр ва гипертоник эритмалар билан каллидиногеназа шунга ўхшаш асоратларни олдини олиш, ижтимоий ҳимояга мухтож ҳолатларни камайтириш орқали ҳаёт сифатини ижобийлаштиришга ёрдам бериши, беморларнинг ҳолатини яхшилашга қаратилган даволаш тактикасини танлаш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* Каллидиногенасани стандарт терапия заминида қўллаш нейрожароҳатлар асосидаги интракраниал гипертензияни пасайтириб перфузияни ошириши беморларни жонлантириш бўлимида терапия кунини қисқартириш орқали 1-гурӯҳнинг жонлантириш бўлимида қолиш кунини ўртача $13,4 \pm 0,44$ кунни ва 2-гурӯҳда $9,6 \pm 0,32$ кунни ташкил қилиши, калген тасирида мия жароҳатларини интенсив терапияда даволаниш кунини 23%га қисқартириш орқали бир кунлик реанимацияда стационар даволаниш нархи 912000 сўмга, 1-гурӯҳдаги умумий харажатлар, 12220800 ± 364800 сўм, 2-гурӯҳдаги умумий харажатлар 8755200 ± 273600 сўм, ўртача тежалган маблағ, 3465200 сўм, бюджет маблағларини 138608000 сўм иқтисод қилиш имконини берган.

тўртинчи илмий янглилик: изоляцияланган ёпиқ бош мия жароҳати беморлари оғирлик ва ўлим даражаси APACHE ва SAPS II шкаллари, жонлантириш бўлимида қолиш муддати кўрсаткичларининг пасайиш даражаси ҳамда Глазго шкаласи бўйича ҳушнинг тикланиши ўртасида тўғридан-тўғри корреляцион боғлиқлиги, бу эса бош мия жароҳатини даволашда каллидиногенасани қўллаш патогенетик жиҳатдан асосланганлигини ўрни исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент давлат тиббиёт университетининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 21 сентябрдаги 09-23/123-т-сон билан тасдиқланган «Ёпиқ бош мия жароҳатланишининг интенсив терапиясида тўқима калликреинининг самарадорлиги» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали томонидан 2024 йил 05 апрелдаги 41/1-сон, Сирдарё вилояти Гулистон тумани тиббиёт бирлашмасининг 2024 йил 05 апрелдаги 4049-9-124-ТБ/2024-сон ҳамда Тошкент давлат тиббиёт университети кўп тармоқли шифохонасининг

2024 йил 29 апрелдаги 77-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 17 декабрдаги 31/12-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги*: бош мия жароҳатлари ташхисланган беморлардаги неврологик етишмовчиликлар ортидаги салбий оқибатлар ҳуш бузилиши, парез, плегия, сенсомотор афазия, дизартрия, психомотор қўзғалиш кузатилиши, стандарт терапия таркибидаги тўқима калликреини юқоридагиларни камайтириши, ногиронлик ҳолатини олдини олиш ва қариндошлар қарамлигидан асрашга имкон берган. *Иқтисодий самарадорлиги*. Каллидиногеназани стандарт даволашда фойдаланиш мия жароҳатларидаги неврологик ҳолатларни нейрогенез жараёнини яхшилаш билан беморларни нейрожаррохлик бўлимида даволаниш кунини қисқартиш орқали 1-гуруҳининг нейрожаррохлик бўлимида ўртача $19,4 \pm 0,6$ ва калген гуруҳида $14,4 \pm 0,4$ кунни ташкил этиши, бир кунлик нейрожаррохлик бўлимида даволаниш 350000 сўмни, стандарт терапия гуруҳидаги умумий харажатлар, 6790000 ± 210000 сўмни, 2-гуруҳдаги умумий харажатлар 5040000 ± 140000 сўмни, ўртача тежалган маблағ 1400000 сўмни иқтисод қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда муҳокома қилинган, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 7 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Изоляцияланган ёпиқ бош мия жароҳатланишининг даволаш самарадорлигининг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида муаммонинг ечимини топишда маҳаллий ва хорижий адабиётларни таҳлил қилиш турли хил танқидий шароитларда

стандарт терапиянинг ижобий тасирига ишонтирадиган кўплаб экспериментал ва клиник малумотларни намоёни қилган ҳолда жуда тўлиқ ёзилган. Бош миё жароҳатлари патофизиологияси ва нейротекстияда роли ҳақида ёритилган. Диссертациянинг ушбу қисмини тавсифлашда БМЖ патогенези ва қўлланилган дорини батафсил баён қилган. Биз ушбу тоифадаги беморларда калгени қарши кўрсатмаси ва салбий таъсири тўғрисида маълумот топмадик.

Диссертациянинг «**Изоляцияланган ёпиқ бош миё жароҳати билан хасталанган беморларни комплекс даволашда тўқима калликрениннинг ўрнини баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида кузатув материал усуллари беморларнинг хусусиятлари, жинси, статистик қайта ишлаш, ёндош паталогия, шикастланиш мезанизми, сабаблари ва ёши бўйича тақсимланишини келтирилган ҳамда жадваллар ва диаграммалар билан батафсил баён қилинган. Тадқиқот проспектив, ягона марказли, рандомизацияланган, 2021-йил декабрдан 2024-йил декабр даврида ТТАКТКсининг нейрожарроҳлик, 1- ва 2-жарроҳлик жонлантириш бўлимларида (80 нафар бемор) изоляцияланган ЁБМЖ билан оғриган беморларнинг очик клиник синови қабул қилинганидан кейин эс-хуш бузилиши (Глазго шкаласи бўйича 4-12 балл), ва бош миёнинг МСКТ бўйича маълумотларга асосланган.

1-жадвал

Беморларнинг гуруҳлар ва кўрсаткичлар бўйича тақсимланиш хусусиятлари (n=80)

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар			
	I		II	
	абс.	%	абс.	%
Беморлар сони	40		40	
Ёши, йиллари	38,4±1,3		40,6±1,4	
Эркалар, n%	34 (85%)		32 (80%)	
Аёллар, n%	6 (15%)		8(20%)	
Инотропик ёрдам, n%	16	40,0	16	40,0
Гипотензия, n%	18	45,0	20	50,0
МСКТда паталогия, n%	40	100,0	40	100,0
Краниотомия, n%	4	10,0	0	0,0
БМИБ ўлчаш куни	9,2±0,32		8,1±0,28	
Реанимацияда қолиш куни	13,4±0,44		9,6±0,32	
Клиникада қолиш кунлари	19,4±0,67		14,4±0,49	
Гуруҳ бўйича ўлим, n%	3	7,5	0	0,0
Апалик синдром	2	5,0	1	2,5
Трахея интубацияси, механик вентилляция, n%	38	95,0	37	92,5
БМИБ ошиш эпизодлари сони	40		40	

Тадқиқотдага ёш >18 , изоляцияланган ЁБМЖ, онг даражаси ГШ бўйича ≤ 12 , БМИБ >20 мм.сим.уст. барқарор ўсиши каби мезонлар асосида беморлар киритилган. *Чекланиш мезонлари*: шошилиш краниал ёки экстракраниал жарроҳлик зарурияти, анамнезидаги декомпрессияли краниотомия, политравма, олигоурия, буйрак етишмовчилиги, $Hb < 80$ г/л, Калгендан анамнезида фойдаланиш, ҳомиладорлик, госпитализациядан кейинги 72 соат ичида вафот этган бемор ва коагулопатияларни ташкил қилган.

Олинган маълумотларга статистик ишлов бериш шахсий компьютерда СтатСофт@ Инс. АҚШнинг СТАТИСТИСА дастурий пакети (версия 13.1) ёрдамида амалга оширилди. Материални статистик қайта ишлаш комбинацияланган жадваллар, графиклар ва аналитик кўрсаткичларни олишни ўз ичига олади: тузилма (P), ўртача қийматлар (M) ва уларнинг стандарт хатолари ($\pm m$), Талаба (t) ва Фишер (F) тестлари хатолик эҳтимоли (p). Ўртача қийматлар орасидаги фарқ $p < 0,05$ даражасида статистик, аҳамиятга эга. БМИБ ва М-эхопульсограмма натижалари ПEARсон ва СпЕарман корреляция коэффициентлари ҳамда t-Студент тест билан ишончлилиги тасдиқланган.

Диссертациянинг «**Изоляцияланган ёпиқ бош мия жароҳати билан хасталанган беморларни комплекс даволашда тўқима калликреиннинг ўрнини баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида клиник протоколига мувофиқ стандарт терапия: Na^+ канал блокадори: лидокаин (кунига 10 мг/кг), Ca^{2+} канал (НМДА рецепторлари) ингибиция қилиш учун нимотоп (нимодипин), енгил терапевтик краниоцеребрал гипотермия (мия тузилмаси билан 4-5° га совутиш), антиоксидант терапия (глутатион, эдедрон, микседол, аскорбин кислотаси, витамин E), реактив кислородларини блокировка қилишда: пропофол, барбитурат - трансаминаза фаоллигини тинчлантиришда, дастлабки 3 кун давомида гемостатик терапия (транексан, этамзилат), қон кетиш хавфи бўлмаса, антикоагулянт терапия (паст молекулали) 0.1/кг/сутка қилинди. Инфекция ва ошқозон-ичак яраси профилактикаси ва гемореология яхшиланди. Инфузион терапия (1-куни 30-40 мл/кг/сутка, 2-куни 20-30 мл/кг/сутка ва қолган кунларда 15-20 мл/кг/сутка) коллоид ва кристаллоид эритмалар шаклида ўтказилди. Ноотроп терапия (пирацетам, цитиколин) мия қон айланишини яхшилашда ишлатилди. Барча беморлар реанимация бўлимида бўлган 1-кундан бошлаб AVENTA, Mindray ва Drager қурилмалари ёрдамида ўпканинг сунъий вентилизацияси қилинди. Нафас ҳажми 7-9 мл/кг, PEEP 2-8 mbar va FiO₂ 30-40% эди. Беморлар реанимацияда бўлган кундан бошлаб суткалик тана вазнига 20-25 ккал/кг назогастрал зонд билан озиқлантириш бошланди. Беморларга энтерал овқатлантириш мумкин бўлмаганда 20-25 ккал/кг парентерал озиқлантирилди. 1-гуруҳдаги 40та бемор фақат стандарт терапия, қолган 40 беморга стандарт терапия ҳамда 0,15 Калген препарати 3-4-куни ҳаётий кўрсаткичлар барқарорлашгандан кейин 100 мл физиологик эритма билан 1,6 мл/соат тезликда томир ичига юборилди.

Гемодинамик ва респиратор кўрсаткичлар динамикаси (n=40)


Кўрсаткичлар	Тадқиқот босқичлари		
	Дастлабки	5-кун	10-кун
ЮҚС, дақиқада	99,1±3,2	88,5±2,9*	73,6±2,4***^
АД сис. мм.сим.уст	109,7±3,6	118,6±3,9	128,2±4,2**
АД диас. мм.сим.уст	61,1±2,0	82,3±2,7***	89,5±2,9*^
МВБ мм.сим.уст	4,1±0,14	7,7±0,25***	9,0±0,30**
SpO ₂ , %	93,4±1,2	97,4±0,58**	98,4±0,39**

Изоҳ: *- дастлабки кўрсаткичларга нисбатан фарқланиш ишончли (* – p<0,05, ** – p<0,01; ***-p<0,001).^ - 5-кун кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли (^ – p<0,01).

Гемодинамик ва респиратор параметрларда 1-кунда яккол гипоперфузия (109,7±3,8/61,1±3,6), тахиаритмия (99,1±2,8) ва гипоксемия (SpO₂-93,4±3,8) қайд этилган. Интенсив стандарт терапия натижасида ушбу кўрсаткичлар якунида тўқималарда перфузияни жадаллашувиға замин яратилди.

Илк маҳалда М-эхопульсограмма (Р %) ва БМИБ (мм.сим.уст.) 64,3±2,4 ва 27,5±2,5 (ўта оғир) ни, динамикада стандарт терапия фонида 5-кунида 53,5% ва 25,8%ни ташкил этди. ва 10-куни М-эхопульсограмма 65,5%га ва БМИБ 46,5%га биринма-кетин оғирдан енгилликка қараб, қийматларини пасайиш кузатилди (p<0,05).

ЦПБ 5- ва 10-кунлардаги дастлабки натижага нисбатан 39,8 ва 44,7% га ошди. ЦПБнинг максимал ўсиши 44,7%га қайд этилди. Булар церебрал циркуляциянинг яхшиланишини кўрсатди. Бунга гемодилюциянинг Нв каби кўрсаткичлари ҳам ёрдам берди, бу белгиланган вақт ичида 33-35%га етди. ЁБМЖ стандарт терапия негизида мия тўқималарида қон оқимини ошириш ва интрацеребрал босимни пасайтириш орқали ишемик зонада микроциркуляцияни яхшилашда муҳим рол ўйнайди. Беморларнинг ушбу гуруҳида олинган ўртача максимал ва минимал БМИБ қийматлари 27,5±2,5 ва 13,5±0,5 мм.рт.стни ташкил этди.



1-расм. Миянинг гемодинамик кўрсаткичларининг ўзгариши

Гурухдаги 4та (10%) беморларда гематомалар ва лат ейишдаги имбибиция натижасида шиш терапияга қарамасдан жадал ошди. Гематома эвакуацияси ва дислокацион синдромни бартараф қилишда декомпрессион краниотомия қилинди. Гипертоник (NaCl 3%, 7% ва 10%) ва гиперосмоляр (маннитол 15%) эритмаларини қўллашга кўрсатма 20 мм.сим.устдан юқори интракраниал босим ва албатта На назорати асосида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Якунда нейропротектив таъсирга эга бўлган БМИБнинг пасайишига ва ЦПБнинг ошишига олиб келади.

Глазго шкаласи дастлаб $7,33 \pm 0,24$ ни (оғир онгни йўқотиш) даражасига тўғри келди. Барча беморларда ГШ натижалари 10-кунида ўртача $12,87 \pm 0,28$ баллни ташкил этди. Беморлар оддий буйруқни бажаришди, лекин сезиларли летаргия (ступор) ва неврологик нуқсонлар туфайли ёрдамга мухтож. Гурухдаги беморлар шифохонада илк оғирлик даражаси SAPS va APACHE II бўйича 21 ва 27 баллни ва ўлим хавфи 61 ва 55 %га баҳоланди. 5-куни оғирлиги 17 ва 16 баллга, ўлим фоизи 27 ва 25% гача қискарди, охириги кунда эса мос равишда оғирлиги 9 ва 10 балл, ўлим даражаси 10,3 ва 10,6%ни ташкил этди. Беморларнинг жонлантиришдан нейрохирургия ўтказилганда APACHE II қийматлари $9,3 \pm 0,8$ баллни ва SAPS II $10,4 \pm 0,7$ баллни ташкил этди, бу беморларни терапия самарасида ўртача оғирликига қадар яхшиланишини англатади.

Тадқиқот бошида ҚФТВ $30,8 \pm 1,3$ ни ташкил этди ва стандарт терапия фонида 5- ва 10-кунларда ўзгариши 9,53% ва 17,1%га тенг. Терапия охирида беморларда илк қийматлар билан солиштирганда ХНБ 11,2% га ошди. Параллел ривожланиш билан ПТИ 5-кунида 26,3% ва 10-кунида 33,5 % гача камайди. ПТИ таҳлили ДИКС синдромининг 1-босқичини кўрсатди, у тадқиқот якунида нормал ҳолатга қайтди. Беморлардаги фибриноген ва Д-димер дастлаб $525,7 \pm 12,2$ ва $530,7 \pm 22,8$ эди. Терапиянинг 5-кунида 23,87% ва 10-кунида 25,43% яхшиланишни гемостатик тизим параметрларининг патологик ҳолатдан норманинг юқори чегарасига ўзгариши кўрсатилган ва гиперкоагуляцион ҳолатнинг регрессияси қайд этилган. Терапия динамикасида клиник ва лаборатор маълумотларининг яхшиланиши инфузион терапия қоннинг реологик хусусиятларида аниқ кўринган. Илк куни гиповолемия белгилари (Ht 38-40%) ташкил этди ва якунда барча беморларда 31-35% чегарасида гемодилюция кузатилди. ҚИВ дастлаб қон қуюқлигини ва динамикад нормал ҳолатга қайтиши регистрация қилинди. Терапия мобайнида биокимёвий таҳлил параметрлари қондаги қанд ва мочевина миқдори ўртача 4,5-5,5 ва 5-7 ммол/л оралиғида бўлди. Лейкоцит ва ЭЧТ 5-кун дастлабки қийматларга нисбатан 14,7% ва 28%га жараённинг 10-кунида 38,2% ва 52,6%га қисқаришини кўрсатди. Лимфоцитлар сони $10,4 \pm 3,1$ бўлиб, 5- ва 10-кунларда 1-суткага нисбатан 1,3 ва 1,8 мартага ошган. Лейкоформулада яллиғланиш асосларининг камайиши кузатилган. Қўшимчасига 11 беморда (27,5%) плазмадаги На концентрацияси 145 ммолдан ошиб, ўртача $147,9 \pm 4,3$ ммол/л бўлди. Қолган 29 беморда (72,5%) На ўртача фоизи $142 \pm 1,8$ ммол/лни бўлди. Деярли гипонатремия

кузатилмаслиги плазма осмоляллигини тадқиқот босқичларида ўзгартирмади ва ўртача 282-284 ммол/лни ташкил қилди.

Ушбу қисмдаги беморларда интерлейкин-1 б ва 6 қиймати терапия олди ўта юқорилиги ($13,4 \pm 1,5$ ва $15,2 \pm 1,8$) яллиғланиш генезли мия шиши хавфини оширади. 5- ва 10-кунларда ИЛ-1б динамикаси 21% ва 51% га, ИЛ-6 24,2% ва 45,9%га камайди. Якуний этапларда СРО 51,2%гача камайди, ИЛ-10 эса 51,7%га ошди. Яллиғланиш медиаторлари стандарт терапия препаратлари самарасида нейрояллиғланишни сўндириш ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг рағбатлантириши мия фаолиятига ҳимоявий симболи борлигини кўрсатди. Беморларнинг госпитализация кунида ва терапия охирида МСКТ диагностикасида жароҳатлардан кейин содир бўладиган барча жараёнларнинг ижобий динамикаси (гематомаларнинг реарбсорбцияси ва уларнинг ҳажми ва зичлигининг пасайиши, мия шишини камайиши, ишемик зонанинг кичрайиши) кузатилди.

